

MUSTAQILLIK DAVRI O'ZBEKISTON – OZARBAYJON ADABIY ALOQALARI

ГУЛБАҲОР АШУРОВА

Филология фанлари номзоди, доцент

Тарихимиз зарварақлари ўзбек ва озарбайжон халқларини тили, анъана ва урф-одатлари бир-бирига нечоғли яқин эканлигидан гувоҳлик беради. Бугун эса икки мамлакат жамияти бу маданий ришталарни умумий қадриятлар сифатида қадрлаб, уларни мустақамлаб келмоқда. Буни кўплаб сиёсий, иқтисодий ва маданий жабҳаларда кўриш мумкин. Агар мумтоз адабиётимиз тарихига назар ташласак, Озарбайжон адабиётининг буюк сиймоларидан бири шоир Низомий Ганжавий ижодининг ўзбек адабиётига катта таъсир кўрсатганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, Қутб Хоразмий Низомий таъсири остида ўзининг “Хусрав ва Ширин” достонини ёзгани маълум. Шунингдек, ўзбек адабиётининг мумтоз намояндalари бўлмиш Лutfий, Хоразмий, Дурбек, Гадоий, Атойи, Саккокий қабилар ижодида Озарбайжон адабиётининг таъсири сезилади. Ҳайдар Хоразмий илк бор Низоми Ганжавийнинг “Махзан ул-асрор” (“Сирлар хазинаси”) асари таъсирида ўзининг “Махзан ул-асрор” асарини ёзгани барчамизга маълум.

Нафақат ўзбек, балки бутун туркий халқлар адабиётининг буюк намояндаси, мутафаккир шоир, олим, давлат ва жамоат арбоби, илм ва адабиёт ҳомийси бўлмиш Алишер Навоий Низомий Ганжавий анъаналарини давом эттириб илк бор туркий тилда “Хамса” достонини яратди. Навоий Низомийдан фарқли равишда ўз “Хамса”сини туркий тилда битиб, бу тилнинг қудратини намойиш этди. Албатта, Навоий “Хамса” достонини яратар экан Низомий даҳоси олдида ўзини улкан бир синов турганини ҳис этди. Достонларнинг ҳар муқаддимасида Низомийни фахр билан тилга олди, унга бўлган чексиз ҳурматини, ихлосини баён этди. У Низомийни ўзига устоз деб билди.

Кейинчалик ҳам адабий таъсир, алоқалар тўхтаб қолмади. Озарбайжон адабиётининг кўркем вакилларида бири Муҳаммад Фузулий Навоийни ўзига

устоз билиб, унга эргашиб ғазалларига назиралар битди. Шу билан баробарида ўзбек адабиёти намояндалари ҳам Фузулийни ўзига устоз сифатида билди. Муҳаммад Ризо Огаҳий, Амир Умархон, Андалиб, Муқимий, Увайсий, Роқим, Султон Саййид Носирхон, Табиб Хоразмий, Садир Эркин каби мумтоз ўзбек шоирларининг Фузулий ғазалларига назиралар битгани маълумдир. Фузулий номи бутун туркий халқлар адабиётининг буюк сиймоси сифатида эътироф этилади.

Асрлар мобайнида давом этиб келган урф-одат ва анъаналари, адабиёти, фалсафаси, меъморчилиги, мусиқаси, санъати, маданияти, тарихи, тили жиҳатидан озарбайжонликлар ўзбек халқига жуда яқиндир. Ушбу халқларнинг бир-бирига яқинлаштирган умумий ва ўхшаш жиҳатлар уларнинг тили ва адабиёти ҳамда маданиятида кенг намоён бўлади.

Истиқлол қатағон қилинган шоир ва ёзувчиларнинг, олимларнинг бадиий ва илмий меросини тиклаш, уларни кенг тарғиб қилиш имкониятини берди. Кўплаб ноёб дурдоналар қайта тикланди, халққа қайтарилди. Наби Хазри, Халил Рза Улутурк, Маммад Ораз, Бахтиёр Ваҳобзода, Қобил, Кабир Наврўз, Юсуф Самадўғли, Ағамали Содик, Анор, Элчин, Фикрат Хожа, Залимхон Ёқуб, Ҳидоят, Ҳусейн Курдўғли, Мамад Аслан, Рамиз Равшан, Рустам Беруди ва бошқа озарбайжон шоир ва ёзувчиларининг; Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи Ўзтурк, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Шукур Холмирзаев, Шукрулло, Ўткир Ҳошимов, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Усмон Қўчқор бошқа ўзбек шоир ва ёзувчилари истиқлол йилларида яратилган асарларида ўтган асарнинг фожиали жиҳатларини бадиий акс эттирди.

Бу йилларда бир қатор озарбайжон ижодкорларининг асарлари ўзбек тилига ўгирилиб, китобхонлар ҳукмига ҳавола этилди. Жумладан, Бахтиёр Ваҳобзода, Халил Рза Улутурк, Маммад Араз, Фикрат Хожа, Воқиф Самадўғли, Рамиз Равшан, Воқиф Баятли шеърларининг, Юсуф Самадўғлининг “Қатл куни”, Анорнинг “Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати” романи, “Дантенинг юбилеи” қиссаси, “Туржи фамилияси” ва бошқа ҳикояларини, Акрам Айлислининг “Қура қирғоғидаги гулханлар”

асари, Элчиннинг “Балададашнинг илк муҳаббати”, “Балададашнинг тўй ҳаммоми”, “Челак”, “Ўлим ҳукми” асарлари, Ағаали Содикнинг “Бошсиз” номли асарларини ўзбек ўқувчилари илиқ кутиб олди. Шунингдек, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Усмон Азим, Усмон Қўчқор, Тоҳир Қахҳор, Шавкат Раҳмон, Тилак Жўра шеърлари, Хайриддин Султоннинг “Ё, Жамшид!”, Абдулҳамид Исмоилнинг “Икки қариянинг тарихи” каби асарларининг озарбайжон тилига қилинган таржималарини алоҳида таъкидлаш лозим.

Усмон Қўчқорнинг Озарбайжон адабиётидан таржималари катта салмоқни ташкил этади. Унинг Мирза Жалил, М.Собир, Муҳаммад Ҳоди, Ҳусайн Жовид, Жаъфар Жабборли ва бошқа классиклардан таржималари эътирофга лойиқ. Хусусан, Ҳусайн Жовиднинг “Иблис”, “Амир Темур”, “Шайх Санъон” асарларининг таржималарини Ўзбекистон адабий муҳити илиқ қарши олди. Усмон Қўчқорнинг замонавий озарбайжон адабиётининг таниқли вакиллари бўлмиш Анор, Ҳусайн Жовид кабиларнинг ижодидан қилинган таржималари ҳам адабий алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади.

Жаннат Нагиеванинг Алишер Навоийнинг Озарбайжон Қўлёмалар фондида сақланаётган қўлёмалар нусхалари асосида ёзган мукаммал монографиялари озарбайжон-ўзбек адабий алоқалари тарихида муҳим ўрин тутади. Алишер Навоий ижоди дунёнинг кўплаб тадқиқотчиларининг диққат марказида бўлиб келган. Ғарб ва Шарқнинг атоқли олимлари Навоий ижодий меросини ўрганиб кўплаб китоблар, мақолалар чоп эттирган. Айниқса, Озарбайжон адабиётшунослигида навоийшунослик соҳаси алоҳида ўрин тутади. Жумладан, **Фаридунбей Кўчарли, Ҳамид Арасли, Панох Халилов, Жаннат Нагиева, Халил Рза Улутурк, Комил Вали Наримонўғли, Рамиз Асқар, Тарлон Қулиев, Олмос Улви (Биннатова)** сингари таниқли олимларнинг Навоий ижоди билан боғлиқ тадқиқотлари нафақат озарбайжон адабиётшунослиги, балки ўзбек адабиётшунослиги учун ҳам жуда муҳимдир.

Айниқса, адабиётшунос олима, профессор Олмос Улви Биннатованинг “Алишер Навоий” ва “Ўзбек адабиёти” монографияси, ўнлаб ўзбек адиблари ижоди тадқиқига бағишланган илмий мақола ва

тадқиқотлари таҳсинга сазовордир. Унинг ижоди ўзбек – озар адабий алоқалари фонида муҳим аҳамият касб этади.

Тошкентдаги Озарбайжон маданият маркази ташаббуси билан chop этилган 2013-йилда “XX аср Озарбайжон шеърляти антологияси” ва 2014-йилда “Умрдан узун кеча (Озарбайжон ёзувчиларининг ҳикоялари)” тўпламларида Озарбайжон шоир ва ёзувчиларининг асарларидан намуналар ўрин олди.

Шунингдек, Самир Аббасовнинг лойиҳаси асосида шу кунларда тарихда бирчи мартаба “Озарбайжонча – Ўзбекча, Ўзбекча – Озарбайжонча” луғат китоби ҳам Бакуда “Савод” нарийетида chop этилди.

2019 йил июнь ойида озарбайжон ёзувчиси Юнус Ўғизнинг “Овчи” романининг тақдими Тошкентда бўлиб ўтди. (Таржимон: Гулбахор Ашурова). Ушбу янги китоблар қардош озарбайжон халқининг ўзбек дўстлари билан янада мустаҳкам ришталарда яқинлашишига сабаб бўлди.

Мустақиллик йилларида ҳам икки халқ ижодкорлари бадиий таржима воситасида бир-бирларининг ижодларидан фойдаланган ҳолда ҳаёт учун ниҳоятда характерли бўлган мавзуларни турли-туман адабий шаклларда акс эттирмоқдалар. Бу манзара бағишлов ва назираларда, услубда ва бадиий унсурларнинг ўхшашлигида, бир-биридан фойдаланиб, бир-бирини ривожлантира боришда ўз аксини топаётир. Бу соҳада олиб борилган тадқиқотлар нафақат миллий, балки халқаро алоқалар учун ҳам муҳим аҳамият касб этган. Озарбайжон ва Ўзбекистон бугунги кун халқаро алоқалар тарихида муҳим рол ўйнамоқда. Бугунги кунда Озарбайжонда адабиётшунос, навоийшунос Алмаз Улви, Акиф Багиров, Яшар Қасимов, ёзувчи Юнус Ўғиз, Ўзбекистонда академик Наим Каримов, профессор Б.Тўхлиев, адабиётшунос Г.Ашурова, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол, шоир Усмон Кўчқор кабиларнинг фаолияти бевосита илмий, адабий - бадиий алоқаларни мустаҳкамлаш учун хизмат қилмоқда. Бу адабий ва маданий алоқалар бугун янада ривожланиб бормоқда.

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий Низомий Ганжавийни ўзига устоз деб билган. Фузулий ғазаллари, Насимийнинг ўтли

сатрлари қалбларимиздан чуқур ўрин олган. Яқин тарихда Самад Вурғун, Гафур Гулом, Мақсуд Шайхзода, Бахтиёр Ваҳобзода, Абдулла Орипов, Жамол Камол сингари ижодкорларимизнинг самимий-ижодий дўстликларини ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Жамол Камол озарбойжон шоири Бахтиёр Ваҳобзоданинг Муҳаммад Фузулий ҳақидаги «Шабихижрон» достонини, Халил Ризонинг Насимийга бағишланган «Фарёд» драмаси ва бир қатор шеърларини озарбойжон тилидан ўзбекчалаштирган.

Бу муносабатлар ҳар икки мамлакатнинг мустақилликкача эришган ютуқлари деб айтсак, мустақиллик йилларида адабий алоқалар яна ҳам мустаҳкамланди. Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг ёрқин тимсоли сифатида Низомий номидаги Тошкент давлат университети рўпарасида салобат бахш этиб турган Низомий Ганжавий ҳайкалини айтиб ўтишимиз мумкин. Бу ҳайкал, нафақат ажойиб ҳайкалтарошлик асари балки, халқимизнинг Низомий даҳосига бўлган чуқур ҳурмати, қардош озарбайжон халқига, унинг қадимий тарихи, маданияти, унинг асрлар оша синалган сўнмас руҳи, мустаҳкам иродаси, унинг ёрқин келажакка хурмат ва ишонч рамзидир. Шунингдек, Бакуда Алишер Навоийга қўйилган мухташам ҳайкал ҳам ўзбек шоири тимсолида ўзбек халқига бўлган чексиз хурмат ва эҳтиром белгисидир.

2012 йил октябр ойида Бакуда бўлиб ўтган Ҳусайн Жовиднинг 130 йиллига бағишланган халқаро конференция, 2013 йил декабрдаги Юнус Эмро ижодига бағишланган халқаро конференция, 2016 йил ноябрда бўлиб ўтган «Туркология» қурултойининг 90 йиллигига бағишланган халқаро конференциянинг узвий давоми сифатида АМЭА (Азарбайжон Миллий Илмлар академияси) да бўлиб ўтган «Алишер Навоий ва Озарбойжон адабиёти» ва ниҳоят 9 октябрь 2018 йил Тошкентда Ҳусайн Жовид таваллудининг 135 йиллигига бағишланган конференциялар «Ўзбекистон-Озарбайжон» дўстлигининг мустақиллик даврида янада ривожланиб бораётганлигини кўрсатади.

2017- 2019 йиллар ичида Шайх Низомий Ганжавийнинг «Хамса» достони: «Махзанул Асрор», «Лайли ва Мажнун», «Хусрав ва Ширин»,

“Шарафнома”, “Иқболнома” ва “Етти сайёра” сингари дostonлари китоб холида нашр этилди. *(Лойиҳа раҳбари: Самир Аббасов. Таржимон: Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол. Муҳаррир ва нашрга тайёрловчи: Г.Ашурова)*

Низомийнинг барча дostonлари, “Хамса”нинг ўзбек тилига таржима қилиниши, бу шоҳ асарнинг нашр этилиши, буюк тарихий ҳодиса ҳисобланади. Шайх Низомий ҳазратларининг буюк “Хамса” асарини ўзбек миллати китобхонларига армуғон этиш ҳар қандай мукофот ва тақдирланишдан юксакдир. Бугун худди Алишер Навоий Хамсасидек, Шайх Низомий Ганжавий Хамсаси ҳам ўзбек китобхонларининг севимли асарига айланди. Мен бундан фахрланаман.

Бу фактларнинг ҳаммаси ўзбек ва озарбайжон адабиётининг қадимий ва амалий алоқалари яна ҳам давом этаётган бугунги мустақиллик даврида унинг авлодлар томонидан тобора ривожлантириб борилаётгани ҳам табиий ва қонуний эканлигини кўрсатади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ғуломхусайн Алиев. Озарбайжон – ўзбек адабий алоқалари (20-60 йиллар). Тошкент, Камалак нашриёти 2019 йил.
2. Алмаз Улви. “Ўзбек адабиёти” Баку. Илм нашриёти, 2017 йил.